

Ўзгариш ва узвийлик хусусида

Ушбу маколага «Хакикат ва илк ўзбек адабиёти» деган сарлавха ҳам кўйишимиз мумкин эди, зеро, ундаги асосий гап хакикат хусусидадир. Хакикатни «ростгўйлик» деб аташ ҳам мумкин. Бундан ташқари, бу сўз жиддий ўрганиб чиқишга арзийдиган яна бир катор тахминий маъноларга ҳам эга. Мазмуни камалакдек товланадиган, аник изохлаш ўта кийин бўлган эски ушбу хакикат бизга 1915 йилдан 1935 йилгача бўлган икки ўн йилликнинг канчалар кўп катламли бўлганлигини англашга ёрдам беради.

Жаҳолат ва маърифат, идеализм ва реализм, буржуа миллатчилиги ва пролетар интернационализи ва эҳтимол, «байналмилал мустамлакачилик», деган учинчи бир жиҳатларга ҳам эга бўлган бу икки ўн йилликда озодликка интилиш ва озодликнииг тортиб олиниси, кўп хиллилик ва бир хиллилик бир-бирига тўкнаш келди. Ўрта Осиёда илгари бундай ҳол содир бўлмаган эди, ўша ўн йилликлардан кейин ҳам юз бермади. Бу даврни икки огиз сўз билан тасвирлаб бериш жуда мушкул масала.

«Хакикат» сўзи 1915 йили Туркистон мусулмонларига қандай маънолари билан маълум бўлганлиги хусусида бир фикрлашиб олайлик. Бу тушунча умумисломий эрон-араб-турк маорифи мажмуида 1860 йилдан бошлаб муҳим, кўп қиррали роль ўйнайди. Биринчи навбатда диний мубоҳасаларни олиб кўрайлик. Урол ва Нил дарёлари ўртасидаги худудда яшовчи ислохотчилар бир вақтлар нозил этилган хакикатни яна давом эттириш учун «ижтиҳод» дарвозаларини қайтадан очиш масаласини кўтариб чиқдилар. Уларнинг фикрича, янги давр мусулмонлардан худди шуни талаб этаётган эди. Иккинчидан, фундаменталистик руҳдаги мусулмонлар эса, «илк мусулмонлар хакикат учун жондан кечишга ҳам тайёр курашчилар эди, замонавий мусулмонлар эса хурофот асирларидир», деган фикрга ёпишиб олган эдилар. Ўз гоёларини амалга ошириш йўлида турли тўсиқлар борлигини ҳаёлдан кочирмайдиган яна бир катор ислохотчилар учун эса «хакикат» уларнинг турмуш шароити, ҳолати тўғрисидаги аччиқ воқелик бўлиб, улар буни тан олишга мажбур эдилар.

Сўфийларнинг хакикатни қандай тасаввур қилганлиги ҳам назардан четда қолмаслиги лозим: халққа энг яқин ва энг таъсирчан исломий гуруҳлардан бири бўлмиш сўфийлар хакикатни топиш ва ёритишда ақидапараст сафсатабозлар ҳамда маърифатчиларга насиб этмаган даражага эришган бўлсалар-да, исломий ва гайриисломий модернистлар томонидан жаҳолатпарастликда айбланган эдилар.

«Реаллик» ва «хакикат» тушунчаларига нисбатан бошқа сезиларли таъсирлар славян миссионер ва шарқшунослари, Усмонли Турк империяси намояндалари, рус «художўйлари» ва, ниҳоят, француз символистлари томонидан ўтказилган бўлиши мумкин. 1917 йилдаги тўнтаришлар арафасида Ўрта Осиёда хакикат ва унга алоқадор «реаллик», «хакконийлик» тушунчалари борасида шундай нуқтаи назарлар мавжуд эди. Улар кейинги ўн йилликда ҳам амалда бўлиб, ривожлантирилди. «Хурофот, онгсизлик билан курашмоқ—хакикат учун йўл очмоқ, демақдир» («Ўзгаришчи ёшлар» журналининг

биринчи сонидаги иктибос).

Ўрта Осиё жадидлари биринчи навбатда татар жадидларидан ўртак олдилар. Татар жадид муаллимлари XX асрнинг дастлабки йилларидан Самарканд ва Кўкон каби катта шаҳарларда, кейинчалик эса вилоятлардаги кичик шаҳарларда, йигирманчи йилларнинг бошларида эса, хатто Бухорода ҳам фаолият кўрсатдилар. Ўрта осиёлик кўпгина муаллимлар ва публицистлар Козон, Уфа ва Оренбург шаҳарларидаги жадидлар билан яқиндан танишиб олган, хатто Истанбул ва Кавказдаги жадидлар билан ҳам алоқа ўрнатган эдилар.

Махаллий назорат идораларида кадимчилар (эскилик тарафдорлари) асосий ўринларни эгаллаб турганлиги учун кўпгина бухоролик ва самаркандлик маърифатпарварлар ўз асарларини Истанбул ва Тифлистеда чоп эттирган. Ўрта осиёлик хурофотчи диндорлар янгиланиш харакатига каттик каршилиқ кўрсатганлар. 1911 йили Бухорода очилган янги мактаб бир неча ой фаолият кўрсатгач, ёпиб кўйилди. 1914 йили Самарканддаги муаллимлар ўз фаолиятларини тўхтатишга, болаларини янги мактабга берган ота-оналар эса уларни кайтиб олиб, эски мактабга жойлаштиришга расмий равишда мажбур бўлдилар. «Ойна» журналининг 1914 йил 11 январь сонидеда чоп этилган «Фавкулудда таклиф» деган мақолада шу тўғрида сўз юритилган. Факат Чор маъмуриятининг аралашувидан кейингина такфирга эга бўлган мударрислар ҳамда уни оммалаштираётган муаззинларнинг фаолияти расман тақиқлаб кўйилди («Ойна», <186> 13, 1914 йил 18 январь).

Шунга карамасдан, самаркандлик муаллим, ношир ва ёзувчи Махмудхўжа Бехбудий ўзининг тўғарагини ташкил этди. Ижтимоий йўналишдаги адабиётга кизикувчи ёшлар тўғарак аъзолари бўлдилар. Уларнинг баъзилари асарларини «Бехбудий нашриёти»да чоп эттирган бўлсалар, бошқалари ўқиш, ўрганишга зўр бериб, факат 1917 йилдан кейингина фаол харакат бошладилар. Жадид фаолларининг тилларини бийрон қилган бу хакикат, биринчи навбатда, ижтимоий хаётнинг аччиқ воқелиги эди. Жадидлар бу хакикатлардан кенг халқ оммасини огох этиш макседида трагедиялар, пьесалар ва хикоялар ёздилар. Махмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» (1913), Нусратулла Мулла ибни Кудратуллонинг «Тўй» (1914), Абдулла Кодирининг «Жувонбоз» (1915) асарларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Таълимий ва тарбиявий лирикада жадид шоирлар ижобий ва салбий кутблар ўртасидаги дуалистик метафорика (икки томонлама метафорика) ни ривожлантирдилар. Жадидларнинг ўз нуқтаи назарлари ижобий кутбдир. Хакикат, бундай асарларда «нур», «ёруглик» каби тушунчалар орқали ифодаланган. «Хуршид, куёш, шамс» истиораси эса билимни, маърифатни англаганди. Салбий кутб эса жаҳолатпарастлик унсурлари бўлмиш схоластика, мистика ва «халқ дини»дан ташкил топган. Конун, шариат, хурофот ва жаҳолат «зулмат», «булут» ва «соя» истиоралари орқали ифода этилган. Уша даврларда яратилган шу рухдаги кўплаб шеърлар ичидан олинган ушбу ягона мисол хакикат ва билим нури ўртасидаги муносабатни, кўрсатишга кифоя этса керак. Бу шеър Хамза Хақимзода Ниёзий каламига мансуб:

Илм хақнинг нуридир,
Каро кўнгил бўридир.

Жахл куфрнинг тўридир.
Хар душманнинг зўридир.

Хар бир ярог ўткири,
Хар исрофил суридир.

Хар вир таннинг кулфати,
Хар бир бахтнинг шўридир.

Жадидлар «барча ижобий фанларнинг ўқитилиши зарур», деган гоёни кўтариб чиқдилар, чунки бу гоё «ислом барча фанларнинг булоғи», деган ақидага мос келар эди. «Ёр, кўк, юлдуз ва куёшнинг хакикати билиш» каби ижодий ҳаракатларга зид ўларок эски мактаблардаги қадимчи-исломий домлалар болаларга турли бўлмагур афсоналарни айтиб, улар миясини захарладилар. Наҳанг устидаги ҳўкизнинг ёрни ўз шохларида кўтариб турганлиги тўгрисидаги афсона ҳам шулардан биридир. Қадимчилар мусулмонлардан кўпроқ садақа ва хайр-эхсон ундириш мақсадида хакикатни яшириб, хурофотга бошладилар. «Ойна» журналининг 12-сониди (1914 йил 11 январь) чоп этилган «Миллатни ким ислоҳ этар?» деган мақолада шу тўғрида сўз юритилган. (Жадидларнинг хурофий тасаввурларга қарши кўрсатган бу фаолликларни уларга қарши турли хужумлар уюштирилган кейинги йилларда ҳам уларнинг алоҳида хизматлари сифатида баҳоланган).

Жадидларнинг хакикатни ахтариш борасида инкилобгача олиб борган илгариги ишлари қандай кечганлигига бир назар ташлайлик: жадидлар ўзларини хакикатни билишга муҳтож кишилар, деб ҳисобламаганлар. Улар хакикатни билишларига ёки қандай хакикатга элтувчи йўлдан хабардор эканларига амин бўлганлар. Улар ўзлари билган хакикатни халққа етказишни, халқни билимсизликдан нур томон етаклашни ўз олдларига вазифа қилиб қўйган эдилар. Жадидларнинг Ўрта Осиёдаги илк авлодида «ўз хакикатларининг хакикати» борасида қатъиятсизлик, гумонсираш сезилмайди. Ўзлари эришган, яъни англаб етган нарсаларнинг барча «билмайдиганлар» нуқтаи назаридан устунлиги, ўша давр хакикатининг қанчалар аччиқ бўлишидан қатъи назар, жадидларга буқилмас неқбинлик бахш этган. Улар ўз «хакикат»ларини хурофот, афсона ва жаҳолатга қарши қўйганлар.

Фикримча, Ўрта Осиё жадидлари орасида энг кўзга кўрингани Абдурауф Фитратдир. Ўзининг «Мунозара» сида у «хакикат натижаси тасодуми афкор аст», яъни «фикрлар хилма-хиллиги хакикатни англашга элтади», деган иқтибосни бежиз келтирмаган. У ўзининг бутун умри давомида хакикат ахтарди ва бу жараёнда фикрлар хилма-хиллиги, қарама-қаршилиги бўлиши мумкинлиги ҳусусида фақат шиорлар айтиш билангина чекланиб қолмади, балки хакикат ахтара туриб шундай бир даражага эришдики, ўртаосиёлик биронта мутафаккир бу даражага эришмаган. Хакикат ахтариш ва шунга мос равишда озодликка интилиш уни Ўрта Осиёнинг ягона, жиддий атеистига айлантди.

Фитрат ўзининг илк асарларидан бири — 1911 йили Истанбулда чоп этилган Хиндистонда бир фаранги ила «Бухоролик мударриснинг жадид мактаблари ҳусусида қилгон мунозараси»да «хакикат ихтиёрида бўлмоқ лозим», деган жадидча талабга тўлиқ қўшилади ва ўзининг жадид мутафаккир касбдошлари ёқлаган хакикатни ёқлаб чиқади. «Мунозара»даги овруполик Фитратнинг ўзидир. У қадимчи мударрисга қарата «динингизнинг асослари хакикатда не эканлигини билмайсиз», деб таъна қилади. Қадимчи мударрис қанчалар гофил бўлса, Фитрат шунчалар кўтаринкилик билан уни

чукур фикрларни изхор этишга мажбур киладики, мударриснинг бу фикрлари курук сафсатадан бошка нарса эмаслиги аён бўлиб қолади.

Динга қарши даъват оммавий тус олган 1928—1929 йилларда Фитрат ўзининг кичик-кичик асарларида қайта-қайта хакикат мавзусига мурожаат қилди. Унинг «Меърож», «Захронинг имони», «Зайд ва Зайнаб» асарлари марказида «хакикат»нинг ўзи эмас, балки кишиларнинг хакикатга нисбатан субъектив муносабати туради. У 1928—1929 йилларда, яъни яқинда эълон қилинган хакикатдан бошка хакикатни топишга уринган ҳар бир шахс сиёсий таъкибга учраши тайин бўлган бир даврда қотиб қолган диндорликдан четланишга чақирди. Фитратнинг кичик асарларида мурожаат қилган мавзулари 1929 йилда расман тақиқланмаган бўл-са-да, аммо «хаддидан ошиш» деб баҳоланилди. Балки шунданмикин, унинг хакикатни ахтаришда жасоратли бўлишга қаратилган чақириқлари натижасиз қолиб қетди.

Илк жаҳидларга ўшанда ҳам, бир оз кейинроқ ҳам нурли келажак томон элтувчи хақиқий йўлни топиш насиб этмади. Уларнинг бир гуруҳи 1917 йилдаги Февраль инқилобидан кейин хақиқатни Миллий Мухториятдан ахтара бошлади ва ўз ижоди билан Туркистондаги миллий истиклолчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлади. 20-йилларнинг бошларига келиб, сиёсий тараққиётда большевикларнинг галаба қозониши аниқ бўлиб қолгандан кейин миллий мухторият тарафдорлари бўлган жаҳидларнинг кўпчилиги большевиклар томонига ўта бошлади, яъни улар отларнинг бошини хақиқат томон бурдилар. Фақат баъзи бирларгина ўз орзу-умидларидан воз кечолмай, халқ ҳам аданганларга хақиқат йўлини кўрсата олишларига умид боғладилар. (Фитрат «Ўқитгувчилар юртига», «Ўзбек ёш шоирлари». Тошкент, 1922). Улар «Рус империализмининг сояси йўқолсин», Туркистон устига миллий озодлик қуёшининг нурлари тушсин, деган чақириқларга тўла, оптимистик руҳдаги шеърларини ёзишда давом этдилар. Нур-зулмат истиораси замирида энди «миллий озодлик — империалистик қуллик» тушунчалари ётарди.

Сиёсий қолиб фақат хақиқатга эгаллик қилиш ҳуқуқини олиш билангина чекланмайди, энди у дуалистик метафориканинг «нур» қисмини ҳам эгаллаб олади. Миллий руҳдаги шоирлар учун 1924 йилдан кейин фақатгина ҳаёлий тасаввур ва зулмат қолган, холос. Худди қелишиб олишгандек, улар бу икки истиорани ўзларига олиб, келажак ижодларида улардан фойдаландилар. Жаҳид зиёлиларининг сўнги тўғарагида иштирок этганларнинг йўллари қандай ажралиб қетганини бунга мисол қилиб қелтириш мумкин. Фитрат ва Боту биргаликда «Чигатой гурунги» даврасида ўзбек тилининг назарий масалаларини муҳокама қилиб, бадиий асарлар яратганлар. Уларнинг «Ўзбек ёш шоирлари» антологиясига киритилган асарлари юқори даражада ҳамохангдир. 1924 йилда эса «Инқилоб» журналида Фитратнинг «Менинг кечам» шеъри чоп этилди. Шундан бир оз кейинроқ бу шеърга жавоб тарикасида ўша журналда Ботунинг «Менинг кундузим» шеъри босилиб чиқди. Шоирлар йўлининг икки қарама-қарши томонга ажралиб қетганлиги бу шеърларда яққол кўринди. Агар Фитрат қоронғу кечани ўз ҳаёллари билан банд бўлган ҳолда бемалол шугулланиш мумкин бўлган шароит сифатида тараннум этган бўлса, Боту кундузни қайноқ меҳнат оғушидаги социалистик хақиқат томон бориладиган вақт сифатида ардоқлади.

...Чўлпоннинг «Мен шоирми?» деган шеъри 1923 йилда ёзилган бўлиб, у ўзбек

шеъриятининг бир канча йиллар давомидаги йўналишини Чўлпоннинг ракиблари англаб етгандан хам юкорирок даражада белгилаб берди. Чўлпон ўз идеали, яъни миллий мухториятни амалга оширишининг иложи йўклигини англаб етган эди. Шоир янги воқелик ва янги тил талабларига мутаносиб равишда ўзининг интилишларини «хаёл» деб атайтиди; албатта, хаёлни бу ерда икки хил тушуниш мумкин: у бир вақтнинг ўзида бехуда кетган хатти-харакатни ва хали интилиш мумкин бўлган мақсадни англатади ва сўнггиси хакикатнинг карама-карши кутбини ташкил этади. «Мен шоирми?» шеърида Чўлпон ўз орзу-истаклари, идеали нимага айланганлигини кўриш учун хаёлини осмонларда сайр эттиради ва идеали курук хаёлга айланиб колганига амин бўлади. Шу сабабдан у:

Хаёлим кўклардан тушиб кетадир,
Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир...

деб аччиқ алам билан эътироф этади. «Хаёл» сўзини жадидлар ўзларининг хакикат томон интилишларига зид ўларок «жаҳолатпараст»ларнинг ва махсус равишда сўфийларнинг интилишларини ифодалаш учун ишлатишган. Аммо бошқаларга хаёл бўлиб туюлган нарсаларни сўфийлар «хакикат» деб, бошқа хакикатлардан «юксакрок хакикат» деб тушунганларини жадидлар гўёки билмаганга олганлар. Менимча, Чўлпон ўзига «Каландар» деган тахаллус кўяр экан, маъноларнинг шундай галати чалкашлигидан жуда ўринли фойдаланиб, сўз ўйини килган... Шу йўл билан Чўлпон, биринчидан, мақсадларини «хом хаёл» деб аташган ракибларининг кўнглини чоғ килган, аммо, иккинчидан, ўзи хам жимгина галаба нашидасини сурган, зеро, ушбу хом хаёл деб ўйланган нарса охир-окибатда хакикат бўлиб чиқади-да. Албатта, бу хакикат соф диний хакикат эмас, балки ўзгарган вазиятга мос келувчи ва ҳукмрон доиралар хали англаб ета олмаган хакикат эди. Хакикат алал-окибатда сўнгги схоластик жадидлар томонида) бўладими ёки дарвишлар томонида бўлади-ми, бу ҳақда тарих ўз ҳукмини чиқаради. Чўлпон ўзининг мухторият хусусидаги орзуларини ифодалаш учун кайта-кайта сўфиёна истиораларга мурожаат килди. «Каландар ишки» шеърини у Мукулмон Шарки халқларининг курултойи муносабати билан 1920 йилнинг сентябрида олис Боку шаҳрида яратди. Мухторият тарафдорлари бу курултойга катта умид боғлаган эдилар. Чўлпон бу умидларнинг пучга чиққанини ва «Ленинча миллий сиёсат» галаба қозонганини аниқ билган. Куйидаги мисраларда сўфиёна истиоравийлик ва «инкилобий» нур истиораси хамда шоирнинг исми, яъни «Чўлпон — тонг голдузи» билан кўшилиб, маълум маънода астрономик мета-метафорика (истиоравийлик) ни ташкил этган:

Каландардек юриб дунёни кездим, топмадим ёрни,
Яна калбамга кайгулар, аламлар бирла кайтдим-ку,
Мухаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Куёшнинг нурига тоққат килолмай ерга ботдим-ку.

Ушбу мисраларда яширинган ишоралар куйидаги «тушунарли матн»да намоён бўлади: «Мен сиёсий максади бошқаларга «хаёл» бўлиб туюлган киши сифатида Бокуга бордим, аммо интилган нарсамга эриша олмадим. Мен янги, яхшироқ бир вокелик тонги отаётганини эълон килмокчи эдим, аммо бошка бир куёш, хусусан, мен четлаб ўтмокчи бўлган Октябрь инкилоби куёши менинг куёшимдан илгарироқ чикди ва у мени ерга тикади» (Чўлпон 1938 йилда катл этилди.)

Битта маколада Чўлпоннинг «хаёл»га нисбатан мухаббати уфуриб турган барча шеърий асарларини санаб ўтишнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, эстетик нуктаи назардан ҳамма хам ўзини окламаган бўлурди. 20-йиллардаги ўзини шоир деб билган хар бир ўзбекнинг «адашганлар»га карата газабнок сўзлар айтиб, мартабасини оширишга харакат килганини айтиб ўтишимиз кифоя.

20-йилларнинг ўрталарида Туркиядаги тимсолчилар (символистлар) «шоир — хакикат хабарчиси эмас», деб эълон килган бўлсалар, Ўзбекистондаги танкидчилар ўз фикрларини янада аниқроқ баён этдилар: «Символизм... «яширин бир хакикат»ни, «яширин бир вокелик»ни излаб топишга харакат килади» (Абдурахмон Саъдий. Адабиёт масалалари ва Октябрдан кейинги ўзбек адабиёти, 1930).

Мана, жадидчилик, инкилобчилик, миллатчилик ва гайридинчилик рухидаги матнларда «хакикат» тушунчаси кандай акс эттирилганлигини кўриб хам чикдик.

Энди «хакикат», «вокелик» пролетар ёки социалистик реализм адабиётида кандай тасвирланганлигини кузатайлик, зеро, у бизга келажак томон йўл очади, ўтмишдан бугунги кунга кўприк бўлиб хизмат килади.

1989 йилнинг ноябрь ойида «Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетасида «Обид кетмон хакикати» деган катта бир макола чоп этилди. (Умарали Норматов. Обид кетмон хакикати. «Ўзбекистан адабиёти ва санъати». <186> 47. 1989 йил 17 ноябрь). Бу макола билан «Обид кетмон» эълон килинган кун орасида эллик беш йиллик давр ётарди. Бу орада канча сувлар окиб кетган. Абдулла Кодирий катл этилган; сўнгра кайта окланиб; «ўзбек совет адабиёти асосчилари» сафига киритилган, ошкоралик эълон килинган, социалистик реализм методи бадий услуб сифатида йўқ килинган эди. Буларнинг барчасидан хабардор киши «Обид кетмон хакикати» деган сарлавхадаги «хакикат» сўзи нимани англатаркан деб кизикмастаи иложи йўқ. Олдиндан айтиб кўяй, хакикатнинг жозибаси бир хиллигида эмас, балки кўп хиллигида намоён бўлади. Буни мен далиллар билан исботлаб ўтирмайман, зеро, юкорида кўриб чикилган холатнинг ўзи шундай хулоса килишга асос беради.

Хакикат очик сўзлашдадир, деган машхур ибора муаллифи Абдулла Кодирий жадидчилик мухитидан ўсиб чикди. У инкилобдан илгарийек ўзининг сатирик асарлари ва каттарок хажмдаги хикоялари билан жамоатчиликка танилди. Унинг асарларида бошка ёзувчиларнинг ўша даврда ёзилган асарларида бўлганидек, маърифий-тарбиявий рух уфуриб туради, аммо унинг асарлари улардаги хазил-мутойиба, сўз ўйинлари ва, айникса, услубнинг равлони ила бошка асарлардан яккол ажралади.

Йигирманчи йилларда унинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» тарихий романлари дунё юзини кўрди. Хар иккала роман хам босмадан чиқиши биланок каттик танкидга

учради. Танкид Абдулла Кодирийнинг хаётий йўлига, яъни унинг хакикатни қандай тушунишига қаратилган эди. Шу сабабдан у «Мехробдан чаён» романининг сўзбошида бундай дейди: «Уларнинг (кахрамонларнинг, ошиқларнинг — И. Б.) хон ва уламога қарши исёни табиий-шаръийдир. Чунки шундан ортиги сохта бўлиши устига китобнинг кадрили хам туширар эди». Модомики, Абдулла Кодирийнинг ўзи китобдаги воқеаларни «табиий» деб атаган экан, демак, улар ўта реалистик, яъни ҳар ҳолда агар жоиз бўлса, «илк социалистик-реалистик»дир. Ўттизинчи йилларнинг бошларида Абдулла Кодирий ракибларининг барча камситишлари ва танкидларига қасдма-қасд шўро ёзувчиларининг Москвада бўлиб ўтган биринчи қурултойида делегат сифатида иштирок этди. Аммо ракиблар тинч ўтиришмади, 1935 йилда ёзувчининг «Обид кетмон» қиссаси чоп этилиши билан воқеликка ёндашувида «синфийлик» йўқ, деган баҳонани рўқач қилишиб, асарни қаттиқ танкид остига олишди. Шундан сўнг Абдулла Кодирий «Шубҳа» сарлавхали қичик ҳикоясини эълон қилди. Худди «Обид кетмон»дагига ўхшаб «Шубҳа» ҳикоясидаги воқеалар хам ёш қолхозлар ҳаётидан олинган.

Ҳикоянинг сарлавҳаси «Шубҳа», аммо, менимча, хакикат ахтарувчи Абдулла Кодирий бу ҳикоясида иккита шубҳани тасвирлаган. Биринчи шубҳа кахрамонларнинг ўзини тутишига, ҳатти-ҳаракатига қаратилган. Ўқитувчи Тўйчибоевнинг қанақа одам эканлигинда, у чиндан хам, яхши ниятдаги оғохлантирувчимиз ёки саботажчилардан бирими—аниқ билмайди. Нега у синфий душманни бу ишга аралаштирган, умуман, у шундай қилганми — буларнинг барчаси ўқувчига қоронги. У Зухуровдан кўра кўпроқ маълумотга эга эмас. Зухуров хам барча ҳолатларни ўқувчидан аълороқ билмайди. Қоронгида қимлигини аниқламай туриб бир қишини отиб ўлдиради, аммо уни жавобгарликка тортиш ўрнига роса мактайдилар. Бундай шахслардан шубҳаланиш ўринли. Шу сабабдан ёзувчи буни ўқувчиларнинг ўзига ҳавола этади. Ҳикояда Абдулла Кодирий 1922 йили ўртага ташланган «Хакикат очик сўзлашдадир», деган шиорига содиқ қолиб, ўз даврднинг бир қанча ижтимоий масалаларини очиб ташлаган. Бу масалалар ўзини ягона хакикат эгасиман, деб айюҳаннос солган жамиятда ёзувчининг барча эркинликлардан мосуво бўлишини намоён этади.

Абдулла Кодирий ўз ҳикоясида ифода этган иккинчи шубҳа, фикримча, истиорага, бадий, ижодий мусоффоликка ёки; бошқача айтганда, социалистик реализм методининг асослилигига, қонунийлигига нисбатан билдирилган. Ҳикоя бу услубнинг барча талабларига жавоб беради, шу сабабдан, билишимча, ҳеч қим бу ҳикояни танкид қилмаган. Ҳикояда типик қолхозчилар, синфий душманлар, шубҳали саботажчилар қатори қишлоқ аҳолисига тўғри йўлни кўрсатадиган илгор фабрика ишчисининг нурли сиймоси хам мавжуд. Абдулла Кодирий характерлар ва воқеаларни нозик бир усулда тасвирлаш орқали бу методнинг ўринли, жўяли эканлигига шубҳа билдиради. Абдулла Кодирий, чамаси, хакикатни ахтара туриб, бурнининг устига гоёвийлик ва партиявийлик кўзойнагини қўндиришни истамади. Ракиблари эса унинг барча асарларида, шу жумладан, «Обид кетмон»да хам қишиларни ижтимоий синфларга бўлиб эмас, балки ўзи ясаган иккита синфга, яъни яхши ва ёмонга ажратиб тасвирлаганини рўқач қилган хамда унга таъна тошларини отадилар. Бу таъналар 1989 йилга қелибгина шубҳа остига олинди. Социалистик реализм методи ўзининг устуворлигини йўқотгач, қишилар реализмни худди Абдулла Кодирий тушунгандек," яъни воқеа ва ҳодисаларни ҳаётда қандай сотир бўлган бўлса, шундай тушунишга мойил бўла бошладилар (А. Кодирий. «Қизил Ўзбекистон». <186> 69. 1935 йил 14 март).

Умарали Норматов «Обид кетмон хакикати» сарлавхали маколасида бундай деди: «Бадийликнинг бош мезони — хаёт хакикати ўзига хос тарзда кашф этишидан иборат». Эхтимол, бу 1989 йилга келиб «хакикат» тушунчаси «вокеликнинг янгича кўриниши» деган мазмунга эга бўлди, деганимикан? У холда макола «Обид кетмон» хикоясида реализм тушунчаси» деб аталиши лозим эди. Эхтимол, «Хакикат» сўзининг бошқача талкини, хусусан диний мавзуларга тааллуқли ифодаси тўғрирокдир. 1989 йилдаги макола муаллифи битта сахнага, айникса, кенг ўрин берган. Унда Худога ишонувчи киши ўта қобилиятли ва меҳнатсевар бўлса-да, партия аъзоси бўла оладими, деган масала кўрилган. Эхтимол, хикоя қахрамонига «Обид» исми, яъни «Худонинг хизматкори», деган исм бежиз танланмагандир. Тўғри, бу шунчаки бир мулоҳаза холос, аммо Обид диндан воз кечишни истамаганлиги, партияга ўтишни рад этганлигига қарамадан, партиянинг фаолларидан бири бўлмиш маърифатчи дўстининг саъй-ҳаракатлари билан партия аъзолари сафига қабул қилинади. «Дин масаласини олдиндан очик қолдирамиз», деганди 1935 йилдаги партия фаоли. «Бу масала хали ҳам аввалги холида», дейди 1989 йилда танқидчи. Шундай экан; макола сарлавҳасини «Обид кетмон ва улуг хакикатлар масаласи», деб тушунсак тўғрирок бўлармикан?..

Ўзбек адабий танқидчилигининг кўпгина намояндалари ҳозирги кунларда Абдулла Кодирий асарларидаги шу мавзудан илҳомланиб битилган саҳифаларни излаб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, қараганда, масалан, Хайриддин Султонов ўзининг «Шоирона, дарвишона бир маъно» маколаси билан («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», <186> 22, 1990 йил 1 июнь) анча илгарилаб кетди.

Шу сўзлари ёзар эканман, бир зум хаёлга чўмдим. Эхтимол, бир оз ошириб юборгандирман. Эхтимол, бу макола («Обид кетмон хакикати») ҳозирги кунларда Ўзбекистонда битилаётган сон-саноксиз маколалардан биттасидир, холос, зеро, ўзбеклар ўз-ўзини муҳофаза қилишнинг хатарли ва машаққатли ўн йилликларидан кейин яна хакикатни ахтаришга киришдилар. «Хакикат» энди «Ўшанда амалда содир бўлган воқеа», деб тушунилмоқда. Шундай экан, «Обид кетмон хакикати»ни энди «Обид кетмон бошидан ўтказган воқеалар тўғрисидаги хакикат», деб талқин этилса, тўғрирок бўлармикан?..

Ингеборг Балдауф, «XX аср ўзбек адабиётига қизгилар» китобидан